



IMOM MOTURIDIY

XALQARO ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CENTER

المراكز الدولي للبحوث العلمية

Jurnalga maqolalar qabul qilish
uchun maxsus veb-sayt:

www.maturidijournal.uz

+998971 244-35-36
 @moturidiyuz

www.moturidiy.uz
info@moturidiy.uz

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881



MOTURIDIYLIK

الماطريديّة - THE MATURIDIYYA - МАТУРИДИЗМ

Narsalarning asl mohiyatini
bilishga olib boradigan yo'llar - hissiy anglash,
rost xabar va aqldir.



2/2023

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-adabiy jurnal

ISSN 2181-1881

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - الماتريديّة - Матуридизм



2/2023

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Музаффар КОМИЛОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Нуридин ХОЛИҚНАЗАРОВ – Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Шоазим МИНОВАРОВ – Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази директори

Давронбек МАХСУДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Зоҳиджон ИСЛОМОВ – филология фанлари доктори, профессор

Аҳаджон ҲАСАНОВ – тарих фанлари доктори, профессор

Шовосил ЗИЁДОВ – тарих фанлари доктори, доцент

Жамолиддин КАРИМОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аҳмад Саъд ДАМАНҲУРИЙ (أحمد سعد الدمنهوري) – илоҳиёт фанлари доктори

Махмуд Эрол ҚИЛИЧ (Mahmud Erol KILIÇ) – доктор, профессор, IRCICA Бош директори

Назир Мухаммад АЙЁД (نظیر محمد عیاد) – илоҳиёт фанлари доктори, Ал-Азҳар мажмуаси Ислом тадқикотлари академияси Бош котиби

Режеп ТУЗЖУ (Recep Tuzcu) – илоҳиёт фанлари доктори, профессор, Салжук университети ҳузуридаги Имом Мотуридий тадқикот маркази директори

Аширбек МУМИНОВ – тарих фанлари доктори, профессор, IRCICA Бош директорининг дастурлар бўйича маслаҳатчиси

Камалуддин Нурдин МАРЖУНИ (Kamaluddin Nurdin Marjuni) – илоҳиёт фанлари доктори, Малайзия ислом фанлари университети кафедра мудири

Дониёр МУРАТОВ – тарих фанлари номзоди, доцент

Одил ЭРНАЗАРОВ – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ўзбекистон Республикаси Дин ишилари бўйича қўмитасининг 2023 йил 8 июнъдаги 03-07/4601-сонли хуносаси асосида тайёрланди.



Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

Бош муҳаррир:

Жамолиддин Каримов,

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Масъул муҳаррир:

Зафар Фахриддинов,

Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Саҳифаловчи:

Зарифжон Арслонов

Дизайнер:

Зарифжон Ғуломов

“Мотуридийлик” журнали
Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг 2021 йил 30 декабрдаги 310/10-сон қарори билан диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журнал 2021 йил 12 декабря Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан №1139 раками билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,
Абдулла Қодирий кўчаси, 11-й.

E-mail: maturidijournal.uz

Web-sahifa: info@moturidiy.uz

Телефонлар: (+99871) 244-35-21,

(+99871) 244-35-47

МУНДАРИЖА

ИСЛОМШУНОСЛИК

Ibrohim Usmonov.

Шариат ва тасаввuf: герменевтик ёндашувлар (Ҳаким Термизий асарларида юридик герменевтика) 4

Zafar Fakhreddinov.

Ҳаким Термизийнинг тафсир ва таъвил борасидаги қарашлари 13

Numonjon Turayev.

Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” асаридаги “тафарруд ар-ровий”га доир услуби 20

Doston Mustafayev.

“Хошия ала ал-Кашшоф” асарининг тафсиршуносликдаги аҳамияти 28

ДИНШУНОСЛИК

Komiljon Shermukhammedov.

Мисрдаги “Мусулмон биродарлар” таъсирида шаклланган экстремистик ҳаракатлар: қиёсий таҳлил 36

Shukrullo Jurayev.

Муҳаммад Шайбоний асарларида тинчлик тамойилларининг акс этиши 46

Dilfuza Zakirova.

Динлардаги таъкиқ тушунчасига доир қарашлар таҳлили 55

Elyorjon Saminov.

Радикализм – экстремизм ва терроризмга элтувчи сўнгги босқич 63

ИСЛОМ ТАРИХИ

Muzaffarkhon Joniyev.

Совет даврида Ўрта Осиё мусулмонларининг ҳаж сафарлари (1920-1930 йиллар) 70

Oybek Sotvoldiyev.

Табақот жанрининг юзага келиш ва ривожланиш тарихи 80

Sayqal Ahmedov.

Мовароуннаҳр мўғуллар хукмронлиги даврида 87

ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

Doniyor Muratov.

Абдуллоҳ Субазмуний ва унинг “Кашф ал-Осор” асари 94

Mas’udkhon Ismoilov.

Хожа Муҳаммад Порсо “Ҳафтоду се фирмә” рисоласининг исломдаги фирмаларни ўрганишдаги аҳамияти 104

Zokhidjon Abdullayev.

Имом Бухорийнинг “Халқ афъол ал-ибод” асари ва унинг ёзилиш услублари 112

Saidmuhammadkhon Muhibullayev.

Камолиддин Баёзий Таржимаи ҳоли ва яшаган давридаги илмий,

ижтимоий ва сиёсий мухит 122

Maftuna Muminova.

Navoiy asarlarida ustoz-shogird g‘oyalarining manbaviy va milliy asoslari 130

Malika Nosirova, Saidakhon Asqarova.

Mahmud Zamaxshariyning “al-Mufassal fi san’at al-e’rob” асаридаги she’riy parchalar tasnifi 137

Dilfuza T. ZAKIROVA,
Independent researcher; Doctor of
Philosophy in Islamic Studies.
A.Kadiri str: 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: dilfuza.zakirova89@gmail.com

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-2/7

ДИНЛАРДАГИ ТАЪҚИҚ ТУШУНЧАСИГА ДОИР ҚАРАШЛАР ТАҲЛИЛИ

ANALYSIS OF VIEWS ON THE CONCEPT OF PROHIBITION IN RELIGIONS

АНАЛИЗ ВЗГЛЯДОВ НА КОНЦЕПЦИЮ ЗАПРЕТА В РЕЛИГИЯХ

КИРИШ

Психология, ахлоқ, дин ва ҳуқуқ фанларида умумий бўлган бир қараш мавжуд. Унга кўра, ҳар бир киши баҳтли ва саодатли яшай олиши учун айрим хоҳиш ва истакларини жиловлаши ҳамда ўзини бир интизомга солиши лозим бўлади. Фақат ўзини ва ўз манфаатларини ўйлаш, шахсий хоҳишларининг кетидан қувиши инсонни манманликка ва ўзини тўхтатиб турга олмайдиган шаклда истакларга эргашишга олиб боради. Бу ерда муҳим бўлган нарса меъёр ва чегарадир. Жамиятда мана шундай меъёр ва чегараларни урф-одат, дин ва қонун белгилаб беради. Буларнинг ичida жамиятга таъсири жиҳатидан алоҳида ўринга эга бўлгани бу дин омилидир.

Дин ўзидаги муқаддас тушунчалар ва кучли эътиқод тизими билан унга эргашувчи инсонларни меъёрда ушлаб тура олади. Лекин дин айрим тасаввурлар ва кўр-кўронга эътиқод тизимидан иборат дегани эмас. Балки у норма ва эътиқодларнинг муайян тарбиявий ва ижтимоий негизлари бор тизимдир. Шу сабабли ҳам инсониятнинг ахлоқсизланиш даражаси ортиб бораётган XXI асрда динга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Аслида позитив илм-фан асосида диннинг ўзини таҳлил қилиш мушкул. Зеро, ундаги категориялар илм-фан категорияларига мос келмайди. Аммо дин таълимотларининг оқибати ва жамиятга қилган таъсирига позитив илм-фан асосида баҳо бериш мумкин. Маълумки, ҳар бир

жамиятда, жамиятнинг ҳар бир бўғинида ўзига хос таъқиқ бор. Динлар ҳам бундан мустасно эмас.

Фарб диншунослигига кўра, диний эътиқодларнинг дастлабки шакли бўлган тотемизм¹ ибтидоий, ғоят содда диний эътиқоднинг бир тури бўлиб, у қадимги замондаги уруғ-қабила аъзоларининг муайян бир ҳайвон, ўсимлик билан ғайритабиий алоқаси, якинлиги, қон-қариндошлиги бўлган деб ҳисоблаб, уларни муқаддаслаштирган. Тотемизм муайян кишилар гурухининг табиат, ташқи муҳит билан боғлиқлигини ифодаловчи дастлабки шаклларидан бири эди. Ҳар бир қабила ёки уруғ ўз шароити ҳамда имкониятларини кўзда тутиб, баъзи ҳайвонларни овлар ва улар ҳақида етарли маълумотларга эга эди. Бундай ҳайвонларни яқиндан билиш уларнинг ўз уруғи билан яқинлиги ёки кон-қариндошлиги ҳақидаги тасаввурни келтириб чиқарган. Натижада баъзи ҳайвонлар, кейинчалик эса, ўсимликнинг баъзи навлари ҳам муайян уруғ аъзоларининг аждоди – тотемидир, деган тасаввур шаклланишига олиб келган. Шу боисдан кейинчалик уруғ аъзолари тотемнинг “ёрдамига” кўз тиккан, уни муқаддаслаштириб, ўз ҳомийлари деб ҳисоблашган. Сехр йўли билан унга таъсир қилишга уринишган. Тотем муқаддас билинган, ҳимоя қилинган, эъзозланган, уни ўлдириш, истеъмол қилиш ман этилган. Фақат айрим ҳолларда, яъни тантанали кунларда тотем ҳисобланган ҳайвон ёки ўсимликни маҳсус расм-руsumга риоя қилинган ҳолда истеъмол қилиш мумкин бўлган. Уруғ аъзоларида шундагина тотемнинг куч-кувати кишиларга ўтади ва у келгусида ҳам ургунинг ҳомийси бўлиб қолади, деган тасаввур бўлган. Кейинчалик, тотемизм доирасида таъқиқларнинг бутун тизими пайдо бўлди. Улар “табу”² деб номланди ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг муҳим механизмини ташкил этди(Яблокова М., 1995:27).

АСОСИЙ ҚИСМ

Диншуносликда таъқиқлар “табу” деб аталган. Эски Полинезия тилида “кўрсатилган” ва “белгиланган” деган маънодаги, Гавай оролларида “капу”, Микронезия оролларида “тамбу” деб

¹ Тотемизм сўзи Шимолий Американинг Ожибва қабиласининг тилидан олинган бўлиб, «унинг уруғи» деган маънони англатади.

² Биринчи бор 1771 йил Ж. Қук томонидан ишлатилган.

Аннотация. Диний нүқтәсі назардан инсонияттың бағытты ва фаровон ҳаёт кечириши учун баъзи асамлардан тиішилиши лозим. Бұндай таъқиқтар вә мәйерлар ҳар бир дин вә халқарнинг ўз нормаларига асосланған бўлиб, уларни бажармаган кимсаларга мудайян жазолар қўлланилган. Уибу таъқиқтар турли динларда ҳар хил номлар билан аталиб, бир-бираидан фарқли бўлган. Мазкур мақолада айнан шундай таъқиқтарнинг илк кўринишлари, ҳар хил динларда турлича акс этиши вә таъқиқтарнинг даражалари каби мавзуларда сўз юритилади. Шунингдек, динлардаги таъқиқтарнинг ривожланиши босқичлари вә бу борада тадқиқот олиб борган олимларнинг фикрлари батасфил ёритилган. Яхудий динида ҳам миқва номли кўрсатмалар тўпламишинг аксари таъқиқардан иборат эканини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ислом динида эса таъқиқтарнинг турли даражалари бўлиб улар ҳаром, макруҳ таҳрими, макруҳ танзихи, мубоҳ каби қисмларга ажратилган.

Калит сўзлар: Таъқиқ, тотемизм, табу, миқва, яхудийлик, христианлик, фарз, војсиб, суннат, мустахаб, мубоҳ, ҳаром, макруҳ.

Abstract. In order for humanity to live a happy and prosperous life, it is necessary to refrain from certain actions. Such prohibitions and norms are based on the norms of each religion and people, and certain punishments were applied to those who did not fulfill them. These prohibitions were called by different names in different religions and were different from each other. This article deals with topics such as the first appearance of such prohibitions, their different manifestations in different religions, and the levels of prohibitions. Also, the stages of the development of prohibitions in religions and the opinions of scientists who have conducted research in this regard are covered in detail. In the Jewish religion, we can see that most of the set of instructions called mitzvah consists of prohibitions. In the Islamic religion, there are different levels of prohibitions, which are divided into parts such as haram, makruh tahrimi, makruh tanzih, and mubah.

Keywords: prohibition, totemism, taboo, Mitzvah, Judaism, Christianity, fard, wajib, sunnah, mustahab, mubah, haram, makruh.

Аннотация. С религиозной точки зрения для счастливой и благополучной жизни человечества, необходимо воздерживаться от определенных действий. Такие запреты и нормы основывались на нормах каждой религии и народа, и к тем, кто их не выполнял, применялись определенные наказания. Эти запреты назывались по-разному в разных религиях и отличались друг от друга. В данной статье рассматриваются такие вопросы, как первое появление таких запретов, их разные проявления в разных религиях, уровни запретов. Также подробно освещаются этапы развития запретов в различных религиях и мнения ученых по этому вопросу. В иудаизме мы видим, что большая часть набора инструкций, называемых мицвой, состоит из запретов. В исламе существуют различные уровни запретов, которые делятся на такие части, как харам, макрух таҳрими, макрух танзихи и мубах.

Ключевые слова: запрет, тотемизм, табу, мицва, иудаизм, христианство, фард, војсиб, сунна, мустахаб, мубах, ҳаром, макруҳ.

Юритиладиган бу сўз европаликларнинг тилида “табу” шаклида диншуносликка кириб келган. “Табу” атамаси муқаддаслиги сабабли тегиши мумкин бўлмаган нарса, айтиш мумкин бўлмаган сўз, қилиниши ман этилган амал, бир нарсадаги мавжуд ғайриоддий бир куч мазмунини билдиради. Аммо бугунги кунда кўп ҳолларда “табу” деганда диний таъқиқтар тушунилади.

Умумий қабул қилинган фикрга кўра, табу ётиқодининг асосий хусусиятларини аниқлаган олим социолог Ж.Кук бўлган. У Тонго оролида 1777 йилда маҳаллий қабилалар орасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида кейинчалик “табу”, деб аталган ётиқод мотивларини аниқлаштирган.

Зигмунд Фрейднинг фикрича, инсоният тарихида биринчи ахлоқий мәйерлар таъқиқи сифатида топилган тушунча бу табудир. Табу нафақат таъқиқ, балки, муқаддас нарса сифатида ҳам тушунилган. Уни бузган инсон нафақат жазога, балки, Худонинг қаҳрига ҳам учрайди, деб ҳисоблашган. Табунинг шаклланишида олимлар биринчи ўринга қўркувни қўйишган. Бунга сабаб қилиб, ибтидоий одамларнинг табиат ҳодисалари олдиаги ожизлиги ва тушунмаслиги, деб ҳисоблашади. Бунга З.Фрейднинг қуйидаги фикрини мисол қилишимиз мумкин: “Барча диний ғояларнинг келиб чиқиши бир хил эҳтиёжнинг борлигидандир, яъни ўзини ўзиданда

кучли бўлган табиатдан ҳимоя қилишга бўлган эҳтиёж сабаблидир” (Фрейд З., 1991:33).

З.Фрейдга кўра, қўрқув ҳисси диний эътиқодларнинг дастлабки шакли – тотемизмни келтириб чиқарди. “Тотем истеъмол қилинадиган ҳайвон – у хавфли ёки хавфсиз, кам ҳолларда ўсимлик ёки табиат кучлари ёмғир, сув бўлиши мумкин ва унинг бутун бир оиласа боғликлиги бўлган. Тотем, биринчи навбатда, бутун оиласининг аждодидир.

С.Токарев ўзининг “Диннинг ибтидоий шакллари” асарida ибтидоий динларнинг ривожланиш босқичини таҳлил қилган ҳолда, тотемизмга шундай таъриф беради: “диний эътиқодларнинг асосий шакли бу тотемизмдир. Тотем сифатида ҳайвонлар, камдан-кам ҳолда ўсимликлар, унданда камроқ ҳолда бошқа нарсаларни учратиш мумкин. Инсон ва тотемнинг ўзаро боғликлиги, тотемни ўлдирмаслик ва унинг гўштини истеъмол қиласликда ифодаланади” (Токарев Р., 1992:536).

Аммо бу таъкиқ ҳамма жойда ҳам бир хил эмас эди. Баъзи қабилаларда тотемни ўлдириш таъкиқланган, лекин у бирор-бир киши томонидан ўлдирилса, истеъмол қилишга рухсат берилган. Бошқа қабилаларда эса аксинча, тотемни истеъмол қилиш таъкиқланади. Лекин ўлдирилса, бу қабила одатини бузиш деб ҳисобланмаган.

Тотемистик маросимларни бажариш давомида тотем билан сехрли алоқани мустаҳкамлаш учун, унинг гўштини истеъмол қилишга нафақат рухсат берилган, балки урф-одат сифатида қаралган. Тотем гўштини умуман истеъмол қиласлик ёки ҳаддан ошик кўп истеъмол қилиш, ҳар икки ҳолатда ҳам инсон билан тотем ўртасидаги алоқани йўқотади, деб ҳисоблашган. Ибтидоий инсонлар учун тотем қўрқув ҳиссини уйғотган. Шунингдек, жамиятнинг ҳар бир аъзоси табуга тегишли бўлган таъкикларга риоя қилиши шарт бўлган. Ўз вақтида ҳатто бу таъкикларга риоя қилмаганлар ўлим жазоси билан жазоланганди (Токарев С., 1964:12). Ҳозирги кунда ибтидоий инсоннинг дунёқарашини тўлиқ шакллантиришнинг иложи бўлмагани учун барча табуларнинг иррационаллик даражасини тўлиқ исботлаш мумкин эмас (Кошев М., 1998:12).

Фарб диншунослари табу тушунчасининг келиб чиқиши ва ривожланиш босқичини таҳлил қилиб, хулоса қиладиларки, табу бу факатгина таъкиқ эмас, балки унданда кўпроқ нарсани англатади. Табу – бу тушунириш ва исбот талаф қилмайдиган аксиомадир. У инсон ва жамият

олдида қатъий бажарилиши лозим бўлган амалдир (Энсева Е., 2000:22).

Диншунос олимлар табуни бир неча турга таснифлайдилар. Уларга кўра, табуни табиат, инсон, жамият, жамиятнинг бошқа аъзоларга ва ўзига бўлган муносабатга бўлиш мумкин. Табуларнинг яна бир гурухи бирламчи ижтимоий иерархияни ўрнатишга қаратилган бўлса, учинчиси эса инсонларни бошқарадиган маънавий ва ахлоқий тамойилларнинг мавжудлигини очиб берган .

МУҲОКАМА

Фарб олимлари табу ҳақида бир неча фикрларини ва фаразларини билдириб ўтишган. Жумладан, З.Фрэйднинг фикрига кўра “табунинг мақсади бу аввало баъзи шахсларни, масалан, раҳбарларни, руҳонийларни, ашёларни ва бошқа нарсаларни ҳимоя қилиш. Иккинчидан, аёллар ва болаларни, оддий инсонларни сехржодудан, руҳонийлар, қабила раҳбарларидан ҳимоя қилиш. Учинчидан, жасадларга тегиши ёки маълум овқатларни истеъмол қилиш каби ҳавфлардан ҳимоя қилиш. Тўртинчидан, инсонларни жинларнинг зулмидан ҳимоя қилиш ва бешинчидан, янги туғилган ва туғилмаган болаларни, уларнинг ота-онасини турли ҳавфлардан ҳимоя қилиш” каби вазифалардир. Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, ушбу таснифда табу инсон ва жамиятни ижтимоий ҳамда сехр-жодудан ҳимоя қилувчи вазифасини бажарган.

Бошқа бир тасниф Ж.Фрэзер томонидан киритилган бўлиб, у табуни куйидаги гуруҳларга ажратиб чиқсан:

биринчи гуруҳга қабиланинг ҳавфсизлиги ва инсонларнинг соғлигини ҳимоя қилиш мақсадида бошқа қабила вакиллари билан алоқа қиласлик;

иккинчи гуруҳга ёвуз руҳларнинг таъсирини олдини олиш мақсадида юзни ёпиб юриш;

учинчиси эса сочга оид бўлиб, баҳтсизликни олдини олиш мақсадида соч олдириш учун маҳсус маросимлар ўтказилган;

тўртинчи гуруҳга инсон ҳаёти учун ҳавфли ва ёмон келтирувчи тугунлар, яъни сехрдан ҳимоялаш;

бешинчи гуруҳга мархум инсонларнинг исмларини баланд овоз билан айтиш уларга нисбатан хурматсизликни келтириб чиқариши,

олтинчи гурух тангри номига нисбатан бўлиб, у орқали бошқаларга зарар етказмаслик назарда тутилган. Ушбу таснифлаш юқоридаги таърифлар орасида батафсилоқ бўлиб, мавжуд таъкиқларнинг барчасини ўз ичига қамраб олган. Шунингдек, бу таъкиқларнинг барчаси инсон ва табиатнинг боғлиқлигини кўрсатиб берган (Фрэзер Д., 1983:188–250).

Табу яна 2 гурухга ажратилади: пок ва нопок табу. Пок табу бу рухсат берилган, фойда келтирадиган нарсаларга нисбат қилинса, нопок табу эса, ўз навбатида, зарар берувчи сифатида қабул қилинган. Масалан, яхудийлик ва ислом динида истеъмол учун ножоиз бўлган истеъмол маҳсулотлари бунга мисол бўлади (Фрэзер Д., 1983:188–250).

Шу билан биргаликда, олимлар табу хақида бир неча фикр ва қарашларини билдириб ўтишган. Профессор С.Тоу ахлоқ конунларининг бир қисми табуда ўз ифодасини топган, деб ҳисоблаган. В.Вундтнинг фикрига кўра, табу – бу инсониятнинг энг қадимги ёзилмаган ахлоқ кодекси ҳисобланади. А.Рэдклифф-Браун жамият аъзолари ўртасидаги муҳим бўлган қадрияларни мустаҳкамлашда ва сақлаб қолишда табунинг ўрни каттадир, деб таъкидлаган.

Этнограф олимлар эса табуни тотем ва тотемизм билан боғлиқ, деб ҳисоблашиб, табу ўз кучини руҳлардан олишини таъкидлашган. Шунингдек, табуга тегишли бир неча маросимлар мавжуд деган фикрни ҳам билдиришган. Табу бир нарсадан бошқасига кўчиш характерига эга. Масалан, табу ҳисобланган қирол, руҳоний, сеҳргар, касал, ҳайз кўрган аёллар оёғи босган тупроқлар ҳам табу сифатида қабул қилинган.

Диншунос ва социологлар маълумотларига кўра, табунинг энг ёрқин намуналарини Австралия қабилаларида кўриш мумкин. Уларни 5 гурухга ажратишган:

Биринчиси, диний ҳаётни бошламаган қишиларнинг муқаддас ашёларга тегинмаслиги;

Иккинчиси, ибодат вақтида кўлланиладиган воситаларнинг аёлларга умуман кўрсатилмаслиги;

Учинчиси, диний маросимларни бошқаридиган инсонлар қабила аъзолари билан гаплашиши ман этилиши,

Тўртингчиси, диний қўшиқларни аёллар эшитиши таъкикландигани;

Бешинчиси, баъзи диний маросимларнинг яланғоч ҳолда бажарилиши ва муқаддас бўлмаган кийимларнинг ечилиши.

Шунингдек, табу обьектига кўра, 3 гурухга ажратилади:

Биринчиси, ҳайвон табуси бўлиб, “тотем”, деб белгиланган ҳайвонлардан, масалан бўри, айик, бургут, сигир, итларни ўлдириш таъкиқланган. Хусусан, ҳаёти чорвачилик билан боғлиқ қабилаларда ҳайвон эъзозлаш ва бундан келиб чиқсан “ҳайвон тотеми” ғайритабиий ва сеҳрга оид бир муносабат доирасида шаклланган бўлиб, муайян ҳайвонларга катта эътибор берилган ва кейинчалик бу эътибор муқаддаслик тушунчасига айланган.

Иккинчиси, инсон табуси бўлиб, унга кўра, янги туғилган бола, касал инсон ва вафот этган киши, раҳбар табуси, душман табуси ва балоғатга этган аёллар ҳайз кўрган вақтни ҳам табу ҳисоблашган. Шу билан бирга янги туғилган бола, касал киши, ўлган киши ҳам табу ҳисобланган. Инсон табусининг эътиборга молик мисоллари сифатида 1887 йил Камбоджа қироли аравасидан ийқилиб, хушидан кетганида кўркув ва ҳурмат сабабли ҳеч ким қиролга ёрдам бермаганини, шунингдек, 1800 йил Корея қиролининг белида чиқсан бир ярага кўркув ва ҳурмат сабабли тегилмагани ва натижада бу қиролнинг ўлимига сабаб бўлгани келтирилади.

Учинчиси ашё, нарса, яъни кийим, асбоб, қурол, дараҳт, ўсимлик, уй ва баъзи жойларга оид табулар бўлиб, бир инсоннинг мунтазам ишлатган нарсалари бошқа инсонлар учун табу, деб белгиланган.

Диншунос олимларнинг фикрига кўра, яхудийлик динидаги шанба кунига оид таъкиқлар – олов ёқмаслик, гўшт билан сутни биргаликда истеъмол қилмаслик, христианликдаги баъзи эътиқодлар – иконаларга, санамларга, ҳайкалларга тегинмаслик, Исо алайҳиссаломнинг вафот қилган куни деб ҳисобланган жума куни гўшт емасликни табу билан боғлашган. Шунингдек, Ҳиндистондаги “муқаддас” деб билинган нарсаларга фақат роҳиблар ва дин арбобларининг тегиши мумкин деб ҳисобланшининг илдизи ҳам табу эътиқодига бориб тақалади (Фрейд З., 1991:36).

Табунинг келиб чиқиши, мазмuni ва мохиятини тушунтириб берадиган бир қанча қарашлар мавжуд. Масалан, Ж.Фрейзернинг фикрига кўра, табунинг келиб чиқишига сеҳр-жодунинг таъсири бор, деб таъкидлаган бўлса, Э.Тейлорнинг ёндошуви эса табу бу – муқаддас коида ҳисобланган. З.Фрейд табуни психоаналитик талқин қилиб, унинг жамиятда ибтидоий ахлоқ шаклини ва цивилизациясини

ишга солувчи механизм ролини бажарганини таъкидлаган. Б.Малиновский эса ўз қарашларида, табуни кишилик жамиятининг ижтимоий назорат шаклларидан бири сифатида талқин қилган .

Демак, табу таъкикларининг илдизлари узок тарихга бориб тақалади. Улар одамларнинг муайян тушунчалари негизида пайдо бўлиб, уларнинг борлигига ақлий бир исбот ҳам келтирилмайди. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тотемизм доирасида ижтимоий алоқаларни тартибга солувчи бутун бир таъкиқлар тизими – табу дейилади (Яблоков И., 1998:90).

Чегарасиз эркинлик, чексиз ҳуқуқ тушунчалиси тарихнинг ҳеч бир даврида ҳаётлигини давом эттира олмаган. Инсонлар ўзлари учун истаган нарсаларни бошқаларнинг ҳам истаётган нарсаси бўлишини маъқул бир ҳолат сифатида қабул қилишган. Шу сабабли ҳар бир киши ўз эҳтиёжини қондира олиши учун жамиятда инсонлар орасидаги муносабатларда бир қанча чегаралар белгиланган.

Монотеистик динларга назар солсак, уларда қонуний кучга кирган диний таъкиклар жамиятнинг ажралмас қисмига айланган. Ҳар бир жамият аъзоси ушбу таъкиқларга бўйсунишга мажбур, уни бузиш натижаси эса жазо билан якунланадиган бўлди. Ахлоқий нуқтаи назардан таъкиқ ҳар бир инсонга ўз хатти-харакатларини ўйлашга, баҳолашга қодир бўлгани учун ёзилган ва ёзилмаган қонунлардан иборат (Энеева Е., 2000:31).

Жаҳон динлари пайдо бўлган даврдан бошлаб, бутпарастликдан фарқли равишда, янги ахлоқий нормалар юзага келди. Ушбу ахлоқий нормалар барча динларнинг муқаддас китобларида ўз аксини топган.

Илоҳий динлар тарихига қаралса, илк буйруқлардан бири таъкиқ шаклида бўлган. У ҳам бўлса Одам алайҳиссаломга белгиланган дараҳт мевасидан емаслик борасидаги таъкиқ бўлгани кўзга ташланади.

Динлардаги таъкиқлар, чегаралар ҳам ўзига хос бир маъно ва мазмунга эга. Илоҳий динларнинг барчасида таъкиқлар мавжуд. Жумладан, яхудийлик ва христианликдаги “ўнта аҳд” номи билан танилган амалларнинг ярми таъкиклардан иборат. У бир неча минг йиллардан бери муайян жамият ва дин вакиллари ўртасида ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган қоидалар сифатида ардокланиб келинмоқда.

Яхудий ҳалқи уч минг йилдан кўпроқ вақт давомида яшаб келмоқда. Уларнинг ҳаёт тарзи,

фалсафаси, ахлоқ меъёрлари, тақвими, болаларга таълим-тарбия бериш ва ўтмишига, яъни тарихига назар ташлаши – яхудий урф-одатлари “масорет Исраэль” ёки “мошерет Исраэль” – яхудий тилидан анъана, етказиш, мерос, яхудий мероси тушунчаси бирлаштиради. Яхудий урф-одатларининг асослари Тавротда баён этилган (Германа Брановера, 1998:12).

Яхудий анъаналарида “галаха” тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, уни “ўзини тутиш тартиб-коидаси”, деб таржима қилиш мумкин. “Галаҳа” ҳар бир яхудий учун мажбурий бўлган қонун-коидалардир (Германа Брановера, 1998:17).

Шунингдек, иброний тилида “Таврот” сўзининг маъноларидан бири “кўрсатма”дир. Ушбу кўрсатмалар доим Тавротда феълнинг буйруқ майли шаклида тузилган ва шунинг учун бу коидалар иброний тилида “мицва” – кўплиқда “мицвот” – буйруқ, “цав” сўзидан – “тартиб” деб номланган.

“Мицва”ларнинг умумий сони 613 тани ташкил этади. Анъана нуқтаи назаридан ҳар бир яхудийнинг кундалик хатти-харакати 613 амрнинг бажарилиши билан белгиланади. Амрларнинг бир нечта турларга бўлиниши мавжуд. Улар буйруқ ва таъкиқлардан, амрлардан иборат. Иброний тилида улар “асэ”, яъни “бажар” ва “ло таасэ”, яъни “қилма”, деб номланади. Мажбурий буйруқлар сони инсон танасининг аъзолари сонига кўра 248 тага, таъкиқланганлар сони эса йил ичида кунлар сонига кўра 365 тага teng. Шунингдек, Таврот асосида донишмандлар томонидан белгилаб қўйилган 7 та амр – “мицвот дерабана” мавжуд. Шу билан биргаликда, инсоннинг Худо билан муносабати, одамлар ўртасидаги муносабатлар, маълум бир вақт, жой ва ҳоказоларга оид буйруқлар ҳам мавжуд. “Мицво”лар орасида инсонларнинг ахлоқий хулк-авторига тегишли бўлган ўнта буйруқ алоҳида ажralиб туради.

Яхудийлик нафақат яхудий ҳалқининг дини, балки ахлоқий ва мағкуравий ҳамда амалда ушбу таълимот тарафдорлари ҳаётининг барча жиҳатларини тартибга солувчи қонунлар тўпламидир. Яхудийлар нуқтаи назарida яхудийликнинг ўзи қонундир. Шундай қилиб, яхудийликда мавжуд бўлган таъкиқлар яхудий жамиятининг ажралмас қисми хисобланади.

Дунё динлари ичидаги эътиқод қилувчилар сони энг кўп бўлган христианлик динининг барча ўйналишлари ва кичик гурухларини ҳам

умумий тарихий илдизлар, таълимотининг баъзи қоида ва диний ҳаракатлари бирлаштиради (Радугин А., 2000:93).

Христианлик таълимотида таъкиқ, сўзи гуноҳ тушунчаси билан боғлиқ. Таъкиқ – бу гуноҳ ва хатонинг натижасидир. Фаровонлик эса тўғри йўлга бошловчи кучdir. Таъкиқларга амал қилиш эса фаровонлик йўлининг бошланишидир. Христианлик таълимотининг асосий қоидалари бўлмиш 12 та ақида ва 7 та мукаддас маросим 325 йилдаги биринчи Никея кенгashiда ва 381 йилдаги иккинчи Константинопол кенгashiда қабул қилинган. Кейинги кенгашлар ушбу ақидаларни талқин қилишда фақат маълум тузатишларни киритган (Радугин А., 2000:93).

Христианлик динидаги таъкиқлар амалларнинг кўпайиши билан эмас, балки маънавий ва рухий юксалиш билан боғлиқ. Таъкиқлаш маълум бир ҳаракатни қилмаслик талабидир. Черковда эса таъкиқлар тизими черков қонунлари билан белгиланади. Таъкиқлар ўсишнинг бир шарти бўлиб, христанликда энг катта таъкиқ бу гуноҳ ишдан тийилиш саналади. Бунга мисол ўлароқ улар биринчи навбатда Қадимги Аҳдда Худо томонидан Исройл халқига кўйилган қатъий таъкиқларни келтиришади. Янги Аҳд даврига келиб эса, инсонлар ҳаётига енгилроқ турдаги таъкиқлар кириб келган. Дастроб уларнинг аксарияти қатъий таъкиқлар, яъни “мумкин эмас” шарти билан эмас, балки, маънавий-ахлоқий йўналтириш орқали психологик таъсир йўли воситасида, яъни “бу ёмон”, “бу гуноҳ”, дея ўз таъсир кучини ўрнатган.

Барча монотеистик динлар каби христианлик таълимотида ҳам ўзига хос таъкиқлар тизими шаклланган. Ушбу таъкиқлар эса, жамиятда инсоннинг маънавий ва ахлоқий, шахсий фазилатларининг шаклланишида хизмат қиласи, ижтимоий ҳаётда ва христиан жамиятининг ривожланишида катта роль ўйнайди. Б.Поршневнинг фикрича, таъкиқлар инсон рухий онгини ривожланишида, жамиятда инсонлар билан алоқа ўрнатиш ва тенгликка ўргатади (Энеева Е., 2000:10).

Ислом динида ҳам таъкиқлар мавжуд бўлиб, улар асосан “ҳаром” сўзи билан ифодаланган. Мусулмон кишининг ҳаётини тартибга солувчи ва фаровон ҳаёт кечириши учун амал қилиши керак бўлган барча амаллар шариат қонунлари билан белгилаб қўйилган. Ушбу қонунлар асосий тўрт манба Қуръон, сунна, ижмо ва қиёс асосида

шаклланган. Фиқҳий манбаларда инсонларнинг амаллари “жоиз” ёки “жоиз эмас”лиги нуқтаи назаридан бир нечта категорияга бўлиниб, улар фарз, вожиб, суннат, мубоҳ, танзиҳий ва таҳримий макруҳ ва ҳаромдан иборатдир. Уларга куйидагича таърифлар берилган:

Фарз – қатъий далиллар Қуръон оятлари билан событ бўлган амаллардир. Фарзга амал қилиш шарт. Фарзни инкор қилиш куфр, узрсиз тарқ қилиш катта гуноҳ ва фосиқликдир. Энг катта савоб фарз амалларга берилади;

Вожиб – фарз каби бажариш қатъий талаб қилинган, лекин далиллар фарзга нисбатан кучсизрок бўлган амаллар. Масалан, фитр садақаси ва қурбонлик кабилар;

Суннат – Муҳаммад (с.а.в.)нинг тутган йўллариридир. Унинг хукми – фарз ёки вожиб бўлмаса-да, уни бажаргани учун бенга савоб ваъда қилинган;

Нафл – бирор ишни қиласа савоб, қилмаса гуноҳ бўлмаган амаллардир. Масалан, нафл намозлар каби. Нафл ибодатлар фарз избодатлардаги нуқсонларни тўлдирувчи ҳисобланади. Баъзи уламолар “нафл” ўрнида мустаҳаб атамасини ҳам қўллашади;

Мустаҳаб – Муҳаммад (с.а.в.)нинг гоҳида килиб, гоҳида тарқ қилган ва салафи солиҳлар хуш кўрган амаллари. Уни “мандуб”, “одоб” ёки “фазилат” деб ҳам атайдилар. Баъзи уламолар уни суннатул ҳуда ва суннатуз-завоиддан паст даражада туради, десалар, бошқа уламолар суннатуз-завоид мустаҳаб маъносидаги амалдир, деганлар. Мустаҳаб ҳам савобли амал бўлиб, уни тарқ қилишни уламолар асло макруҳ, деб билишмаган;

Мубоҳ – қилинса ҳам, қилинмаса ҳам дуруст бўлаверади. Ундан киши савоб ҳам, гуноҳ ҳам топмайди. Қилиш-қилмаслик банданинг ихтиёрида бўлади. Масалан, ҳалол таомларни ейиш, ҳалол ичимликларни ичиш, ўтириш, туриш, юриш ва зарарсиз сўзларни сўзлаш каби;

Макруҳ – қатъий бўлмаган далиллар билан ундан тийилиш талаб қилинган амал. Макруҳ амал иккига: макрухи таҳримий (ҳаромга яқин) ва макрухи танзиҳий (ҳалолга яқин)га бўлинади;

Ҳаром – тарқ қилиш қатъий талаб қилинган амал. Ҳаромни тарқ қилган савоб олади, амалга оширган гуноҳкор бўлади. Масалан, ноҳақ одам ўлдириш, одамзотга ва ҳайвононга зулм қилиш, ғийбат қилиш каби. Ҳаром иккига бўлинади: қатъий далиллар билан событ бўлган ҳаром, у фарзниң муқобилида туради. Яъни, унга риоя

қилиш фарз даражасидаги амалдир. Иккинчиси қатъий бўлмаган далиллар билан событ бўлган ҳаром, уни макрухи таҳримий ҳам дейилади. У вожибнинг муқобилида бўлади. Яъни, унга риоя қилиш вожиб даражасидаги амал ҳисобланади (Аҳмад Ҳодий Мақсудий, 2023).

Юқорида таҳлил қилиб ўтилган ислом динидаги ҳаром ва макрух тушунчалари айrim тадқиқотларда “табу” тушунчаси билан бир хил деган хулосалар келтирилади.

НАТИЖА

Таҳлиллар асосида айтиш мумкинки, ислом динидан бошқа динларда илгари сурилган диний таъкиқлар асосан муқаддаслик тушунчаси ва ашёга нисбатан ҳурмат ва қўркув асосига таянади. Машхур француз социологи Э.Дюргейм (ваф. 1917) фикрига кўра, табу – муқаддас ва муқаддас бўлмаган иккита алоҳида дунёни юзага келтиради ҳамда ушбу икки дунё орасида бир чегарани белгилаб беради. Баъзи диний маросимларнинг мақсади ушбу икки дунёнинг бир-бирига аралашиб кетишининг олдини олиш бўлади. Бу шаклдаги ибодатлар эътиқод қилувчиларга у ёки бу турдаги ишларни қилишга буюрмайди, балки аксинча қилмасликни буюради .

Табу эътиқодининг айrim қўринишлари ислом динидаги аҳкомларга ўхшашик жиҳатлари мавжуд бўлса ҳам, улар ислом дини нуқтаи назаридан хурофт сифатида қаралади. Бу исломнинг асл эътиқоди ва ҳукмлари доирасида ўрганилмайди.

Диний таъкиқлар ҳаётимизнинг барча соҳасини қамраб олган. Масалан, ижтимоий муносабатлар, оиласвий масалалар, юриштуриш, савдо алоқалари ва бошқалар. Бу ҳақда Куръон карим ва ҳадисларда жуда кўп мисоллар келтирилган. Масалан, Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳу ривоят қиласи: «Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: “Ҳалол аниқ, ҳаром аниқ. Аммо уларнинг ўртасида шубҳали нарсалар бор. Кўп одамлар уни билмайдилар. Ким шубҳали нарсалардан сақланса, дини ва обрўсини сақлабди. Ким тўсиқ атрофидаги чўпонга ўхшаб шубҳали нарсаларга ўралашиб қолса, унга тушиб қолади. Огоҳ бўлингларки, ҳар бир подшоҳнинг чегараси бўлади. Аллоҳнинг Ердаги чегараси У Зот ҳаром қилган нарсалардир. Огоҳ бўлингларки, танада бир парча гўшт бор. Агар у тузалса, бутун тана тузалади. Агар у бузилса, бутун тана бузилади.

Огоҳ бўлингларки, у қалбdir”, деганларини эшитганман». (Имом Бухорий, Муслим, Сунан соҳиблари, Аҳмад, Доримий, Ибн Ҳиббон ва Байҳақий ривоят қилган). Ушбу ҳадисдан кўринадики, Аллоҳ таоло томонидан берилган барча нарсалар инсонлар учун ҳалол ва ҳаром категориясига ажратилган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, инсоният пайдо бўлибдики, доимий равишда баъзи хатти-харакатларга нисбатан таъкиқлар ва рухсат берилган ҳаракатлар мавжуд. Бу эса ўз ўрнида барча динларда ўз аксини топган. Ҳар бир жамият ушбу турдаги таъкиқларнинг мақсадини ўзига хос тарзда кўриб чиқкан ва ҳозирги кунга қадар давом этмоқда.

Таҳлиллар асосида диний таъкиқлар жамиятнинг барча соҳалари билан чамбарчас боғлиқ ва инсон ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий ва психологияк жиҳатларига кучли таъсир қиласи дейиш мумкин. Монотеистик динларда таъкиқланган амалларнинг умумий хусусияти шундаки, ҳар бир дин ўз тарафдорларининг ҳаётини фаровонликка йўналтиради ва жамиятда соғлом мухитнинг шаклланишига олиб келади. Диний таъкиқлар жамият ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб, ахлоқий қонун ва дунёвий қонунчилик меъёрларининг барча турларини ўз ичига олган шакл-нормалар тизими сифатида эътироф этилади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Яблкова. М. (1995). Основы религиоведения. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. Под общ. ред. Москва.
2. Фрейд З. (1991). Психоанализ. Религия. Культура. Москва.
3. Токарев С. (1964). Религия в истории народов мира издательство политической литературы. Москва.
4. Токарев Р. (1992). Ранние формы религии. Москва: Политиздат.
5. Кощева М. (1998). Три мировые религии: Буддизм, Христианство, Ислам. Москва.
6. Энеева Е. (2000). Этика запрета в исламе. Автореферат. Санкт-Петербург.
7. Радугин А. (2000). Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. Москва: Alma mater.
8. Васильев Л. (2000). История религии Востока. Москва: Книжный дом.
9. Германа Брановера. (1998). Еврейская традиция. Иерусалим: “ШАМИР”.
10. www.krugosvet.ru/Энциклопедия кругосвет: универсальная научно-популярная энциклопедия.

11. ru.wikipedia.org//Материал из Википедии – свободной энциклопедии.
12. Аҳмад Ҳодий Мақсудий. (2023). Ибодати Исломийя. Нашрга тайёрловчи: О.Сотвoldiev. Тошкент: Ўзбекистон халкаро ислом академияси матбаа бирлашмаси.

REFERENCES

1. Yablokova. M. (1995). Osnovi religiovedeniya. Uchebnoye posobiye dlya studentov visshix uchebnix zavedeniy. Pod obщ. red. Moscow.
2. Freyd 3. (1991). Psikoanaliz. Religiya. Kultura. Moscow.
3. Tokarev S. (1964). Religiya v istorii narodov mira izdatelstvo politicheskoy literaturi. Moskva.
4. Tokarev R. (1992). Ranniye formi religii. Moscow: Politizdat.
5. Кошуюева М. (1998). Tri miroviye religii: Buddizm, Xristianstvo, Islam. Moscow.
6. Eneyeva Ye. (2000). Etika zapreta v islame. Avtoreferat. Sankt-Peterburg.
7. Radugin A. (2000). Vvedeniye v religiovedeniye: teoriya, istoriya i sovremenniye religii. Moskva: Alma mater.
8. Vasilyev L. (2000). Iстория religii Vostoka. Moscow: Book house.
9. Germana Branovera. (1998). Yevreyskaya tradisiya. Iyerusalim.: “SHAMIR” publishing house.
10. www.krugosvet.ru/Энциклопедия krugosvet: universalnaya nauchno-populyarnaya ensiklopediya.
11. ru.wikipedia.org//Материал iz Vikipedii – svobodnoy ensiklopedii.
12. Ahmad Hadi Maqsudi. (2023). Ibodati Islomiyya. Prepared for publication by O. Sotvoldiev. Tashkent: International Islamic Academy of Uzbekistan publishing house.



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ИМОМ МОТУРИДИЙ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИНинг
“МОТУРИДИЙЛИК” ЖУРНАЛИ

Мазкур нашр олий ўкув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари, талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Тахририят фикри муаллиф нуқтаи назари билан бир хил бўлмаслиги мумкин.
Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

MOTURIDIYLIK



The Maturidiyya - ماتریدیت - Матуридизм

2/2023

Бош муҳаррир: Ж.Каримов

Муҳаррир: З.Фахриддинов

Нашр учун масъул: З.Арслонов

Чет тилларидаги матнлар муҳаррири: О.Сотволдиев

Дизайнер-саҳифаловчи: З.Ғуломов

Манзилимиз: Ўзбекистон халқаро ислом академияси Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази,
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.

Тел: (+99871) 244-35-47, (+99871) 244-35-36. **Web:** www.maturidijournal.uz
E-mail: info@moturidiy.uz

Нашриётнинг лицензия рақами AI № 0011. 06.05.2019 йил.

Босишга 27.06.2023 йил рухсат этилди. Бичими 60×84 %.

Ризограф усулда босилди. Шартли босма табоғи 10,2.

Нашр табоғи 10,4. Буюртма № 06.

Баҳоси шартнома асосида.

“Ўзбекистон халқаро ислом академияси ”
нашриёт-матбаа бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011, Тошкент. А.Қодирий кўчаси, 11.